

(Маскавдаги драм истудиямизнинг бу йилги ишларидан)

— Юсуфжон акам сахнада!

— Машхур кизигимиз Юсуфжон ака Москвага келибдирда бирор сахнада кизиклик килибдир. 1923 йилда бўлиб ўткан бутун иттифок дехкончилик кўргазмасига аралошкон Юсуфжон акам ўшанда Маскав сахнасига (тўғриси: майдонига) бир кур чиккон эди. Демак, бу янгилик бўлмади. Янгилик шундадирким, бу чоккача кизик сифатида сахна ва майдонларга чикиб келган Юсуфжон ака, бу йил Маскав сахнасига (сахнасига!) мухаррир, ёзгувчи, фожеъанавис сифатида чикди. Бу кунги сухбатимиз ана ўша тўғрисида.

Юсуфжон акамнинг хар каерда неча йиллардан бери айтиб келган бир кулги хикояси бор. Унда, бир имом домланинг — номоз вақтида галати хийла килиб махалладан икки йиллик хаккини ундириб олгонлиги айтилади. Юсуфжон аканинг сўзлашида бир неча огиздан ошмагон бу хикоя, мазмун ва мавзуи жихатидан кизик ва бойдир. Бу хикоянинг «авжи жойи» галати бир «кўркинч» (трюк)ни кўрсатади. Режани яхши чизиб, уни бир адабий хикояга айлантирганда гўзал нарса чикар эди. Мен шундай киларман деб ўйлаб юрар эдим.

Шу йилги ўқиш мавсумида Маскав драм истудияси, машхур Мейерхулд театри актёрларидан ўртоқ Свердлинга, бир мустакил асарнинг «тузма» (постановка (Ч.) сини топширмокчи бўлди. Таржима асарлар етарли бўлмогонлигидан асл (оригинал) асар кўймокчи эдилар. Ўртоқ Свердлин, истудиянинг кўрсатиши бўйинча, менга йўликди. Мен унга Юсуфжон акам хикоясининг кискагина мазмунини айтиб бериб эдим, маъкул бўлди ва боши-кетига кўринишлар кўшиб тезлик билан ёзиб беришга буюрди. Ана шу билан «Яна уйланаман!» деган — 3 парда 7 кўринишли асар майдонга чикди.

Шу йил апрель ойида ўша асар Маскавда кўпчиликка кўрсатилди. Бутун иттифок шўролар курултойига келган кийматли вакилларимиз ҳам керакли бўлакларини кўрдилар. Келгуси киш мансумида асар Ўзбекистон пойтахтида кўрсатилса керак.

Асарнинг «катта машини» (генерал репетитсияси)ни кўрган ўртоқ Февралский (марказий «Правда» газетасининг театршунос мухаррири) «Правда»нинг 92 нчи сонидида унинг тузмаси тўғрисида мана бундай дейди: тузмачи Л. Свердлин, инспектаклда Оврупо ва ўзбек театрчилигидаги[1] унсурларни бирга тўплагон. Яъни: бир томондан Шаркка хос кизик харакатлар берган, инспектаклни ракс, ашула ва чолгилар (танбур, дутор, чилдирма, ногора, карнай ва бошкалар) билан тўлгизгон: иккинчи томондан Шарк халкининг ўлтириб гаплаша беришдаги «зерикдириш» таъсирларидан инспектаклни куткаргон. Лекин, гаплаша бериш ва секин кимирлашдан кочилгон вақтда албатта, жуда ихтиёт билан кочилгон: Шаркка хос у ахволнинг тасвирлари хали ҳам инспектаклда бор. Ўртоқ Свердлин, ўзбек турмуши билан ошналиги оркасида, турмушнинг энг кизик онларидан бир неча парчалар кўрсаткан (мачит олдидаги кўча, бойни хадим килиш, тўй каби), сўнгра ёшларни эски урфлардан йироқлаша боргонини кесатиб ўткан.

Испектакл, режиссурлик жихатидан карагонда, эслилик билан, кизик килиниб ва шу билан бирга кўпчиликка онглашиларлик равишда кўйилгон. Сахнанинг ясалиши шартли (условно) ва содда (хаммаси бўлиб 130 сўм кетган)».

Ўрток Февралский, спектаклга аралашкон актурларга айрим-айрим тўктамасдан, умумий суратда мана бу бир неча огиз гапни айтиб ўтади:

«Ёш актурлар жуда кизикиб ўйнайдирлар; зўр кобилиятлари бўлгон бир неча актурларни кўргандан кейин, Шаркнинг халк оммалари орасида кандай бой артистлик кучлари бўлгонлигини кўрасан».

Ўзбекистонда сахна кўрмасдан туриб, асар ва унинг тизмаси тўғрисида бундан ортик гапириб бўлмайди. Бу ерда шунигина айтиб ўтиш лозимдирким, ўзбек театри — хали ёш ва бола бўлишига карамасдан — турли театр маслаклари билан амалий танишишда кенг йўл билан бормокдадир. Маскав, драм истудияси, бу ернинг театр оламига галвалар солгон бир галати оким — Мейерхулд окимини — ўз турмушига олиб кўрсатмак билан, кизик бир тажриба ясайди. У окимнинг биздаги йўқсуллар оммасига кандай таъсир килиш, ёкиб-ёкмаслиги, шу йил кишда англашиладиргон «сирлар»дан. Кўклам келди, ёз навбатда. Истудия ўқтабрнинг ўн йиллик тўйида чинакам сахна кўрадургон бу асарининг «мирзоси» (мухаррири демайман!) Юсуфжон акага, тузмачи Свердлинга, режиссур-кўмакчи Лутфулла, чолги рахбари Мирўнуф, суратчи Ефиминко ўртокларга ўзининг миннатдорчилигини билдиради.

[1] Бундаги «театрчилик» ҳаракатларнинг турмуш конунларига эмас, театр конунларига мувофик келиши маъносидадир.

Яна уйланаман — «Ер юзи» журнали, 1927 йил 23-сон.

Юсуфжон ака — Юсуфжон кизик Шакаржонов (1869 — 1959), машхур кизикчи, ўзбек халқининг ардокли санъаткори, Ўзбекистон ССР халқ артисти.

Свердлин Лев Наумович (1901—1969) — рус актёри, СССР халқ артисти. В. Мейерхольд шогирди. 1924—1931 йилларда Москвадаги ўзбек давлат драмстудиясида театр санъати сирларидан сабоқ берган.